

М.С.Усманова

Тошкент молия институтининг

“Солиқлар ва солиққа тортиш”

кафедраси доценти, и.ф.н.

М.Т. Ибодуллаева

Тошкент молия институтининг “Магистратура” бўлими

2-курс талабаси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ССУДА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ссуда операцияларининг таҳлилини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

В статье выявлены проблемы, связанных с совершенствованием анализа ссудных операций в коммерческих банках Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

The article identifies problems related to improving the analysis of loan operations in commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Таянч сўзлар: тижорат банки, ссуда, таснифланган ссудалар, имтиёзли ссудалар, таъминот, фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, инфляция, диверсификация, захира, мажбурий захира ставкаси.

Ключевые слова: коммерческий банк, ссуда, классифицированные ссуды, льготные ссуды, обеспечения, процентная ставка, ставка рефинансирования, инфляция, диверсификация, резерв, обязательный резерв.

Key words: commercial bank, loan, classified loans, preferential loans, ensure, interest rate, refinancing rate, inflation, diversification, reserve, required reserve

Кириш

Тижорат банкларининг ссудалари улар даромадининг асосий қисмини таъминлаши билан бирга, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида давлат мамблаглари ҳисобидан имтиёзли банк кредитлари ажратиш амалиётини тубдан такомиллаштириш банк тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларидан бири сифатида эътироф этилган [1].

Айни вақтда, бир қатор муаммоларнинг, шу жумладан, банклараро соғлом рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги тижорат банкларининг ссуда операциялари сифатига салбий

таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатида салбий таъсир қилмоқда” [2].

Ўз навбатида, тижорат банклари ссудаларининг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошириш ссуда операцияларининг самарадорлигини таъминлашни тақозо этади. Бу эса, тижорат банкларининг ссуда операцияларини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Ушбу мақолада республикаимиз тижорат банкларининг ссуда операцияларини ривожлантириш йўллари асослаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Тижорат банкларининг ссуда операцияларини ривожлантириш масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар, амалий тавсиялар шакллантирилган.

Проф. Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банкларининг ссуда операцияларини ривожлантириш учун бир вақтнинг ўзида кредит портфелини таҳлил қилишнинг миқдорий ва техник усулларида фойдаланиш лозим. Бу эса, биринчидан, “ёмон” кредитларни “яхши” кредитлардан ажратиш; иккинчидан, банкротлик эҳтимоли юқори бўлган компанияларни аниқлаш; учинчидан, муаммоли банкларни аниқлаш имконини беради [3].

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуа ҳаммуаллифликда амалга оширган тадқиқотда кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш масаласини тадқиқ қилганлар ва тадқиқот натижасида кичик тадбиркорлик субъектларининг банклар кредитларидан фойдаланиш даражасининг оширишнинг муҳим зарурий шартларидан бири сифатида уларнинг йирик компаниялар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилишини эътироф этганлар [4].

Н.Мирзояннинг хулосасига кўра, кредит учун таъминот сифатида олинган қўзғалмас мулкнинг қийматини таҳлил қилишни такомиллаштириш кредит рискин пасайтириш имконини беради [5].

Е.Ивкиннинг тадқиқотлари натижалари кўрсатдики, муаммоли кредитлар таҳлилини такомиллаштириш қуйидаги уч вазифани ҳал этишни тақозо этади:

- керак бўлмаган бизнес-жараёнларга барҳам бериш йўли билан қабул қилинадиган қарорларнинг тезлиги ва сифатини ошириш;
- унча катта бўлмаган шахслар даврасини аниқлаш ва уларни мижознинг бизнесини фойдани ёки зарарсизликнинг олдиндан белгиланган параметрларига чиқишини таъминлаш имконини берадиган қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ваколатлар билан таъминлаш;
- кредит портфелининг ҳақиқий сифати тўғрисида ташқи холис хулосани олиш шаклини аниқлаш керак [6].

А.Голованов ссуда операцияларини ривожлантиришда асосий эътибор кредитлашнинг банк даромадини тезда кўпайтириш имконини берадиган сегментларга қаратилиши керак, деб ҳисоблайди. Унинг хулосасига кўра,

жисмоний шахсларни, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш тижорат банклари фойдасининг асосий қисмини тезда кўпайтириш имконини беради [7].

С. Вайннинг хулосасига кўра, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захираларнинг даражаси муҳим ўрин тутди [8].

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди [9].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда тижорат банклари кредитлаш фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларидан, илмий таҳлилларни амалга оширишнинг гуруҳлаш, таркибий, қиёсий, трендли таҳлил ва эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар

Ссудалар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари актив операцияларининг асосий тури ҳисобланади ва улар активларнинг умумий ҳажмида, салмоғига кўра, биринчи ўринни эгаллайди. 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ссудаларнинг республикада тижорат банклари активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 65,1 фоизни ташкил этди [10].

Тижорат банкларининг ссудалари иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришда, хусусан, уни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуrollантиришда муҳим ўрин тутди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали тижорат банклари томонидан берилган ссудалар миқдорининг динамикаси ва даражасига баҳо берамиз

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган ссудаларнинг миқдори ва даражаси [11]


Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Ссудалар миқдори, трлн. сўм	26,5	34,8	42,7	53,4	108,5
Ссудаларнинг ЯИМга нисбатан даражаси, %	22,3	24,0	24,8	26,8	43,5

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2013-2017 йилларда республикада тижорат банклари томонидан берилган ссудалар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, судаларнинг ЯИМга нисбатан ўсиш тенденциясини юзага келишига сабаб бўлган.

Аммо, 2017 йилнинг 28 июнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг амалдаги 9 фоиздан 14 фоизга кўтарилиши, яъни 5 фоизли пунктга оширилиши тижорат банклари томонидан миллий валютада берилаётган ссудаларнинг фоиз ставкаларини ошиб кетишига олиб келди. Агар 2016 йилда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган ссудаларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 11,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 18,5 фоизни ташкил этди [12].

Тижорат банклари ссудаларининг фоиз ставкаларини кескин ошиши ссуда операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, ссудаларнинг фоиз ставкаларини ошиши жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари ссудаларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Биз қуйида тижорат банклари ссудалари бўйича ташкил этилган захираларнинг даражасига баҳо берамиз.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат “Асакабанк” ва “Саноатқурилишбанк”да ссудалардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда [13]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015-2017 йилларда АТ “Асакабанк”да ҳам, “Саноатқурилишбанк”да ҳам ссудалардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори бўлган. Бу эса, мазкур банкларнинг ссуда операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


Халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезон сифатида ссудалардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган меъёрий даража (1,0%) қабул қилинган [14].

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2017 йилда АТ “Саноатқурилишбанк”да ссудалардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси 2016 йилга нисбатан қарийб икки баробарга ошган. Бу эса, 2017 йилда АТ “Саноатқурилишбанк”да стандарт ссудалар миқдорининг 2016 йилга нисбатан 2,3 мартага ошганлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари ссуда операцияларининг ривожланиш даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, берилган ссудаларнинг даромадлилиги кўрсаткичи ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари ссуда операцияларининг даромадлилигини баҳолашда бир бирлик ссудага тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичидан кенг фойдаланилади.

Биз қуйида тижорат банкларининг бир сўмлик ссудага тўғри келадиган даромад даражасини таҳлил қиламиз ва ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун ссудалардан олинган фоизли даромадларни брутто ссудалар суммасига бўлиб, олинган натижани 100 фоизга кўпайтирамиз.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат “Асакабанк” ва “Саноатқурилишбанк”да бир сўмлик ссуданинг даромадлилик даражаси, фоизда [15]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2015-2017 йилларда АТ “Асакабанк”да ҳам, АТ “Саноатқурилишбанк”да ҳам 1 сўмлик ссуданинг даромадлилик даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, ушбу банкларнинг ссуда операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, ссудалардан олинган олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан ссудаларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, АТ “Асакабанк”да ва АТ “Саноатқурилишбанк”да 1 сўмлик ссуданинг даромадлилик даражасининг пасайиши таҳлил даврида ссудаларнинг ўсиш суръатини ссудалардан олинган даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

АТ “Асакабанк”да ссудалардан олинган даромадларнинг 2017 йилда 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 1,9 мартани ташкил этган бўлса, ссудаларнинг ўсиш суръати 4,7 мартани ташкил этди. Мазкур давр мобайнида АТ “Саноатқурилишбанк”да ссудаларнинг ўсиш суръати 2,8 мартани ташкил этгани ҳолда, ссудалардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати 1,8 мартани ташкил этди.

Таклифлар ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ссуда операцияларини ривожлантириш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

1. Ссудалардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш мақсадида, биринчидан, стандарт кредитларни захира талабномасидан озод қилиш лозим; иккинчидан, ссудаларнинг гаров таъминотида кўйиладиган талабларни кучайтириш ва миқдорларнинг пул оқимини баҳолашни такомиллаштириш орқали таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш зарур; учинчидан, берилган ссудалар устидан амалга ошириладиган мониторинг сифатини илғор хориж тажрибаси асосида ошириш керак; тўртинчидан, банклар кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация даражасини халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезон (25%) талаби асосида бўлишини таъминлаш зарур.

2. Тижорат банклари ссудаларининг даромадлилигини юқори ва барқарор даражасини таъминлаш мақсадида ссудалардан олинадиган фоизли даромадларнинг ўсиш суръатини ссудаларнинг ўсиш суръатидан паст бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Бунинг учун, биринчидан, кредит портфелини бошқаришнинг трансмиллий банклар фаолиятида кенг қўлланилаётган миқдорий ва техник усуллари (қарорлар дарахти, YAR, CART усуллари ва бошқ.) республикада банклари амалиётига жорий қилиш лозим; иккинчидан, банк томонидан берилаётган кредитларнинг ҳар бир тури бўйича кредит rischi даражасини алоҳида ва аниқ баҳолаш тартибини жорий қилиш зарур; учинчидан, муддати ўтган кредитларни йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражага келган қисмини банкнинг балансидан тезкор тарзда чиқариш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5636-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида 1-илова//ҚХММБ: 06/195635/2502.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 16.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 542.

4. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.

5. Мирзоян Н.В. Анализ стоимости залога недвижимости: внутренние инструкции банка//Банковское дело. – Москва, 2013. – №9. – С. 70.

6. Ивкин Е. “Проблемные” кредиты: как банкам вернуть максимум от выданных средств?//Банковское дело. – Москва, 2016. – № 12. – С. 34.
7. Голованов А.А. Некоторые проблемы кредитования в условиях диверсификации бизнес//Деньги и кредит. – Москва, 2013 – № 2. – С. 68.
8. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.
9. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. - М.: КНОРУС, 2008. – 36-37.
10. Банк тизимининг жамланма баланси. www.cbu.uz.
11. Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) ва www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси) сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
12. Монетар сиёсат. www.cbu.uz.
13. АТ “Асакабанк” ва АТ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари. <http://www.asakabank.uz/ru>; <http://www.uzpsb.uz/ru>.
14. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. такд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 17.
15. АТ “Асакабанк” ва АТ “Саноатқурилишбанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари. <http://www.asakabank.uz/ru>; <http://www.uzpsb.uz/ru>.